



2020 у « 5 » июнь

№ Қ-250

« » 20 г

Шеробод тумани В.Қодиров СИУ худудидан “ASLAN BEK” МChJга болалар сайилгоҳи, экотуризмни ривожлантириш ва балиқчилик кўлини ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/240-сон йиғилиш баёни ва Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 07 апрелдаги 01-05/309-сонли хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/240-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани В.Қодиров СИУ худудидан “ASLAN BEK” МChJга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 259-дала контуридан 1,0 гектар болалар сайилгоҳи ва экотуризмни ривожлантириш учун ва 1,70 гектар балиқчилик кўлини ташкил этиш учун жами 2,70 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов